



## ДАВЛАТ МОЛЯСИ СОҲАСИДА ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Примова Нигора Икром қизи**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Молия кафедраси катта ўқитувчиси, PhD. Тошкент. Ўзбекистон. [n.primova@tsue.uz](mailto:n.primova@tsue.uz)*

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss4/a3](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a3)

### **Аннотация**

*Ушбу мақолада давлат молияси соҳасида ташаббусли бюджетлаштириш методологиясини қўллашнинг фискал оқибатларининг пайдо бўлиши ўрганган ва шу асосда маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш учун захираларни топишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган. Муаллиф томонида ҳудудларда ташаббусли бюджетлаштиришни жорий этиш бўйича эксперимент ўтказишнинг мумкин бўлган стратегиялари таклиф қилинган. Ташаббусли бюджетлаштириш методологияси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларни маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишга ундаш усулларини яратиш имконини беради, деган хулосага келинган.*

**Калит сўзлар:** *партисипатор бюджетлаштириш, ташаббусли бюджетлаштириш, бюджет очиқлиги, солиққа тортиш, солиқ йиғиш, солиқ органлари, маҳаллий ҳокимиятлар.*

### **DIRECTIONS FOR EFFECTIVE USE OF INITIATIVE BUDGETING METHODOLOGY IN THE FIELD OF PUBLIC FINANCE**

**Primova Nigora**

*Senior lecturer of the Department of Finance, Tashkent State University of Economics, PhD. Tashkent. Uzbekistan.*

### **Abstract**

*In this article, the emergence of fiscal consequences of the application of the initiative budgeting methodology in the field of public finance is studied, and based on this, suggestions are made to find reserves for increasing the income of local budgets. On the part of the author, the possible strategies for conducting an experiment on the introduction of proactive budgeting in the regions have been suggested. It was concluded that the initiative budgeting methodology allows to create methods of encouraging local government bodies and citizens to increase the income of local budgets.*

**Key words:** *participatory budgeting, initiative budgeting, budget openness, taxation, tax collection, tax authorities, local governments.*

### **НАПРАВЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТОДОЛОГИИ ИНИЦИАТИВНОГО БЮДЖЕТИРОВАНИЯ В СФЕРЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ФИНАНСОВ**

Старший преподаватель кафедры Финансов Ташкентского государственного экономического университета, PhD. Ташкент. Узбекистан.

### **Аннотация**

В данной статье исследуется возникновение фискальных последствий применения методологии инициативного бюджетирования в сфере государственных финансов, и на основе этого вносятся предложения по поиску резервов увеличения доходов местных бюджетов. Со стороны автора предложены возможные стратегии проведения эксперимента по внедрению проактивного бюджетирования в регионах. Сделан вывод, что методология инициативного бюджетирования позволяет создать методы стимулирования органов местного самоуправления и граждан к увеличению доходов местных бюджетов.

**Ключевые слова:** партисипативное бюджетирование, инициативное бюджетирование, открытость бюджета, налогообложение, собираемость налогов, налоговые органы, органы местного самоуправления.

### **Кириш**

Жаҳон амалиёти бюджет сиёсатида харажатлар самарадорлигини таъминлашга қаратилган бир неча хил методологиялардан фойдаланилади. Улардан кўзланган асосий мақсад бюджет даромадларини шакллантириш ва харажатларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш ҳисобланади. Масалан, бюджет харажатларини фаолият натижаларига йўналтирилган ҳолда режалаштиришга қаратилган услубият ҳисобланади. Унинг моҳияти умумдават миқёсидаги белгиланган мақсадларга эришиш учун бюджет маблағларини йўналтириш тушунилади.

Мазкур услубият орқали бюджет сиёсатини амалга оширишда молиявий стратегия ҳудудлар кесимида эмас, балки соҳалар кесимида амалга оширилади. Бу эса, молиявий стратегияни ишлаб чиқишда ҳудудий хусусиятни инобатга олишга имкон берувчи услубиятларни жорий этишни тақозо этади. Ташаббусли бюджетлаштириш категорияси – ҳудудий бюджетларни шакллантиришда фуқароларнинг иштирокини назарда тутди. Бунда амалга оширилиши режалаштирилган харажатларнинг фуқаролар муҳокамасидан ўтган ҳолда устувор йўналишлари белгиланади. Албатта, бюджетнинг очиқлиги учун олдиндан етарлича шарт-шароитлар яратилган бўлиши лозим. Сабаби, бюджетнинг очиқлик принципи мавжуд бўлмаса, фуқароларнинг ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида иштирокини таъминлашга эришиш мураккаблашиб боради.

Ўзбекистонда ташаббусли бюджетлаштириш амалиёти тўлиқ шакллантирилмаган бўлса-да, бир қатор ислохотлар амалга оширила бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси қабул қилиниши билан амалда бўлган бюджет принциплари кенгайтирилди ва такомиллаштирилди. 2014 йилгача амалда бўлган “Бюджет тизими тўғрисида”ги (2000 йилда қабул қилинган) Ўзбекистон Республикаси қонунида бюджет принциплари таркибида “очиқлик” мавжуд бўлмаган. 2014 йилдан бошлаб эса, мазкур “очиқлик” принципи янги қабул қилинган Бюджет кодексининг 7-моддасида ўз аксини топди[1].

Натижада мамлакатимизда бюджет сиёсатини амалга оширишда шаффофликнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли “Бюджет

маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши бу борадаги ислохотларнинг янада жадаллашишига хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжат билан бюджет сиёсатидаги икки жиҳатга алоҳида урғу бериб ўтилди. Хусусан, “очиқ бюджет” порталининг ишга туширилиши ва фуқаролар мурожаати асосида маҳаллий бюджетлар қўшимча ишлаб топилган маблағларининг 10 фоизини йўналтириш методининг амалга татбиқ этилиши янги босқични бошлаб берди[2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 апрелдаги ПҚ-5072-сонли “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан фуқаролар бюджетни шакллантириш жараёнларини нафақат назорат қилиши, балки бюджет маблағларини шакллантириш жараёнидан бошлаб, уларни сарфлашда қатнашиши учун ҳам имконият яратилди.

Бюджет шаклланиши жараёнида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида туман ва шаҳарларда тегишли бюджетлардаги тасдиқланган умумий харажатларнинг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартиб босқичма-босқич жорий этилди. 2021 йилда бу тартиб Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида битта туман ёки шаҳарда жорий қилинган (жами 14), 2022 йил 1 январдан бошлаб эса бу тартиб мамлакатнинг барча туман ва шаҳарларида жорий қилинди.

Бундан ташқари, 2021 йил 1 июлдан бошлаб, жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман ва шаҳар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдори 10 фоиздан 30 фоизга оширилди[3].

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Партиципатор бюджетлаштиришнинг самарали фискал таъсирига кенг тарқалган қизиқишнинг биринчи тўлқини Лотин Америкаси маълумотлари билан юзага келди, бунда фуқароларнинг бюджет жараёнида иштирок этиши ва солиқ йиғиш ўртасидаги ижобий муносабатлар вужудга келиши маълум бўлди. Лотин Америкаси ва Европадаги 25 та муниципалитетларнинг фаолиятини таҳлил қилувчи И.Кабаннинг қиёсий тадқиқоти партиципатор бюджетлаштириш амалга оширилгандан сўнг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар даражасининг сезиларли даражада пасайишини аниқлади [4]. Муаллифнинг ёзишича, партиципатор бюджетлаштириш амалиёти натижасида солиқ тушумлари кўпайган ва қарзлар камайган. Кампинас, Ресифи ва Куенка муниципалитетларида солиқ тушумлари бир неча йил ичида сезиларли даражада ошганлиги, Порто-Алегри муниципалитетида мулк солиғи бўйича қарзлар 20% дан 15% гача камайганлиги ва ўн йилдан камроқ вақт ичида мулк солиғи тушумлари муниципалитет умумий даромадларининг 6% дан қарийб 12% гача кўтарилганлиги қайд этилди. Фуқароларнинг солиқ тўлаш одатларининг ўзгариши фуқароларнинг бюджет маблағларини сарфлашнинг аниқ натижаларини кўриши билан боғлиқ. Тадқиқот муаллифи Пуэрто-Аси муниципалитети ходимларининг хатти-ҳаракатларининг ўзгариши сабабларини тушунтириб берган қўйидаги иқтибосини келтиради: “Жамият муниципалитетнинг бюджет ва молиявий аҳволини билиб, унинг бюджет чекловларини тушуна бошлайди. Кейин, ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун ресурслар етишмаслигига дуч келган жамоа муниципалитет вакиллари билан

хамкорлик қилишга, ўз маблағлари ёки материалларига инвестиция қилишга қарор қилади, бу нафақат мавжуд ресурслар миқдорини кўпайтириш, балки дастлаб тасдиқланган архитектурани кенгайтиришга интилади[4]. Қўшма бюджет жамоа даражасида анъанавий жамоавий ишларни рағбатлантирди ва қайта тиклади. Эътиборга олиниши керак бўлган яна бир молиявий натижа - бундай лойиҳалар операцион харажатларни камайтиришидир. Бу, айниқса, Колумбиянинг можаролардан вайрон бўлган муниципалитетларида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ерда партисипатор бюджетлаштириш орқали вайрон қилинган инфратузилма - кўприклар, йўллар, суғориш иншоотлари, маҳаллий аҳолининг ўзлари қўллаб-қувватлаши ва ҳимоя қилиши мумкин бўлган қудуқлар тикланди. Бюджет қарорларини қабул қилишда фуқароларнинг бевосита иштирок этишининг солиқ ундиришга таъсирининг ижобий натижалари Швейцарияда ҳам аниқланди [5].

Тадқиқотчилар А. Шнайдер ва М. Бакеро партисипатор бюджетлаштириш кашшофи ва ватани ҳисобланган Порту-Алегре муниципалитетида солиқ тушумларининг сезиларли даражада ошишига олиб келганлигини аниқладилар [6].

Бошқа бир тадқиқотда И. Замбони партисипатор бюджетлаштириш амалиётини йўлга қўйган ва йўлга қўймаган Бразилия муниципалитетлари фаолиятини қиёсий таҳлилини амалга оширди ва тадқиқот партисипатор бюджетлаштиришни амалга ошириш ҳамда солиқ тушумларининг ошиши ўртасидаги сезиларли боғлиқликни тасдиқлади [7].

2019-йилнинг май ойида чоп этилган фискал таъсирлар бўйича тадқиқот қизиқиш уйғотади. У 50 та давлатни қамраб олган онлайн сўров натижаларини таҳлил қилади [8]. Сўров шуни кўрсатдики, фуқароларнинг солиқ маданияти қуйидаги мамлакатларда сезиларли даражада юқори:

- а) коррупцияга қарши кураш бўйича жиддий ишлар олиб борилаётган бўлса;
- б) фуқароларнинг бюджет харажатлари бўйича ҳукуматга ўз хоҳиш-истакларини билдириш имконияти мавжуд бўлган мамлакатларда.

Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотларимизда маҳаллий бюджетнинг бир марталик – лойиҳа тарзидаги тадбирларни молиялаштириш жараёнига татбиқ этиш таъкидланган. Айтайлик, ҳудудий бюджетнинг доимий харажатларини таълимни молиялаштиришни лойиҳа тарзида муҳокамага қўйиш соҳани молиялаштиришнинг динамик барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин. Бир марталик тадбирларга мисол тариқасида – ҳудуднинг маълум қисмини асфальтлаш ёки ичимлик суви билан таъминлашни келтириш мумкин [9].

Мавжуд тадқиқотлар фуқароларнинг тўғридан-тўғри қарор қабул қилиш амалиётида иштирок этиши давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар сифатига қандай таъсир қилишига оид кўплаб далилларни ўз ичига олади. Хорижда фуқароларнинг турли солиқ амалиётлари орқали маҳаллалар, шаҳарлар ва туманлар юрисдикциясига тегишли масалаларни ҳал этишда иштирок этиш бўйича катта тажриба тўпланган, бу эса аҳоли учун маълум бир йўлак доирасида қандай солиқларни қанча миқдорда тўлаш кераклигини аниқлаш имконини беради. Ушбу тажрибани таҳлил қилиш Ўзбекистон учун муҳим ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотда хорижда ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш, хулоса ва

тавсияларни шакллантириш учун мантиқий умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ташаббусли бюджет амалиёти деганда фуқароларнинг бюджет қарорларини қабул қилишда иштирокини ташкил этишнинг махсус тартибда белгиланган ҳуқуқий ва услубий ҳужжатларда мустаҳкамланган маълум тартиблари тушунилади. Агар амалиёт доирасида жамият томонидан қабул қилинган қарорлар якуний бўлса ва ҳокимият томонидан мажбурий ижро этилиши керак бўлса, фуқаролар бюджет маблағларини сарфлаш бўйича реал ваколатларга эга бўладилар. Ташаббусли бюджетлаштиришнинг минтақавий амалиётини амалга оширишда минтақавий ва баъзи ҳолларда марказий (Республика) бюджетларнинг маблағлари жалб қилинади, улар икки ёки ундан ортиқ маълум ҳудудларда амалга оширилади. Маҳаллий бюджет маблағлари ташаббусли лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилинади, улар битта ҳудуд (маҳалла, шаҳар, туман) доирасида маҳаллийлаштирилади.

Ташаббусли бюджетлаштириш – маҳаллий бюджетнинг қўшимча ва аҳоли (бизнес)нинг ихтиёрийлик асосидаги жамланган маблағлари доирасида молиялаштирилувчи лойиҳани молиялаштириш, молиявий демократия тамойиллари асосида шакллантирилиши тушунилади [10].

Ташаббусли бюджетлаштириш фуқаролардан зарурий шарт сифатида ғояларни илгари суришни талаб қилади. Лойиҳа ғоялари юқоридан тушмайди, балки фуқароларнинг ўзлари томонидан илгари сурилади. Ҳар бир лойиҳа ғояси фуқаролар томонидан бюджет маблағлари ёрдамида ҳал этилиши мумкин бўлган муаммодир. Дастлаб, лойиҳаларни илгари суриш учун умумий қоидалар ва контсептуал чегаралар белгиланади (лойиҳа тавсифи ва муаммони ҳал қилиш йўллари, муддатлар, бюджет, техник имкониятлар).

Муҳокама – ташаббусли бюджетлаштиришнинг энг муҳим жараёни бўлиб, у фуқаролар ўртасида ҳудуд учун қайси лойиҳа устуворлиги тўғрисида мунозарага асосланади. Фуқаролар қайси лойиҳани молиялаштиришни ёки агар амалда шундай кутилаётган бўлса, танловда иштирок этишини белгилайди. Бундай муҳокамалар жараёнида маҳаллада ўзаро ва маҳаллий ҳокимият вакиллари билан муносабатдаги ягона жиҳатлар шаклланади. Ҳокимият вакиллари, ўз навбатида, йиғилишларда лойиҳа лоббичиси сифатида эмас, балки эксперт ва маслаҳатчи сифатида қатнашади. Айнан фуқаролар йиғинларида иштирок этиш ва фуқаролар билан бевосита мулоқот қилиш тажрибаси ҳокимиятга ишончнинг ошишига, уларнинг ишидан қониқиш даражасининг ошишига олиб келади. Ташаббусли бюджетлаштиришнинг баъзи бир тажрибаларида муҳокама босқичи мавжуд эмас ва фақат овоз бериш фуқароларнинг танловини белгилайди. Ташаббусли бюджетлаштириш тартибини соддалаштириш ушбу жараённинг имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш имконни беради.

Муҳокама натижаларига кўра, фуқаролар лойиҳани танлаш жараёнида иштирок этадилар. Камроқ даражада, бундай иштирок этиш расмий танловда мавжуд бўлади. Танлов мезонлари олдиндан маълум ва танловда иштирок этиш учун аризани шакллантириш орқали фуқароларнинг ташаббусли гуруҳи иштирокчилари ва маъмурият ёлиб бўлиш имкониятларини олдиндан баҳолаши мумкин. Шаффоф жараёнлар ва аниқ мезонларнинг мавжудлиги танлов комиссияси томонидан лойиҳаларни танлашда субективликни сезиларли даражада камайтириши мумкин.

Рақамли платформалар асосида овоз бериш, шу жумладан блокчейндан фойдаланиш ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳаларини танлаш амалиётига тобора кириб бормоқда. Бундай қарорлар лойиҳаларни танлашнинг қонунийлигини мустаҳкамлайди, чунки унга ташқаридан аралашиш ва маълумотларни сохталаштириш деярли мумкин эмас. Шунга қарамай, овоз бериш жараёнини назоратга олиш ҳали ҳам кескин муаммолардан биридир.

Фуқароларни қулай шаҳар муҳитини шакллантиришга жалб қилиш бўйича бир марталик лойиҳалардан фарқли ўлароқ, ташаббусли бюджетлаштириш доимий, йиллик амалга оширишни назарда тутди. Лойиҳани танлаш тартиб-қоидалари вақт ўтиши билан бюджетлаштириш жараёнининг босқичларига мос келадиган тарзда тартибга солинади. Бунда лойиҳани амалга ошириш уни танлаб олингандан кейинги бюджет йилида амалга оширилади. Шу билан бирга, баъзи бир мамлакатларда ташаббусли бюджетлаштиришни амалга ошириш бўйича кенг тарқалган тажриба мавжуд бўлиб, бир календар йил ичида уларни амалга ошириш учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида лойиҳаларни амалга оширишга имкон беради. Фуқаролар ташаббусли бюджетлаштиришни амалга оширишда ташаббусли тўловлар, шунингдек, ўзларининг меҳнат иштироки орқали иштирок этадилар.

Иштирок этиш тартиб-қоидаларининг очиқлиги ва амалга оширилган лойиҳалар бўйича жамоатчиликка ҳисобот бериб борилиши амалиётга қизиқишни сақлаб қолишга, фуқаролар танлаган ташаббусларни амалга оширишнинг бориши тўғрисида хабардор қилиш ҳамда тугалланган лойиҳаларнинг натижасини амалда кўриш имконияти орқали бу жараёнга янги иштирокчиларни жалб этиш имконини беради.

Хорижий адабиётларда партисипатор лойиҳаларни молиялаштиришнинг турли усуллари ўрганилган ва таҳлил этилган. Энг кенг тарқалган вариант - давлат ва маҳаллий бюджетларидан маблағларни тақсимлаш. Бундан ташқари, фуқаролик иштироки амалиётини молиялаштириш инвестиция фондлари (масалан, Нью-Йорк ва Чикагодаги шаҳар кенгаши аъзолари томонидан ташкил этилган фондлар), мақсадли жамғармалар (Португалия), ижтимоий ривожланиш жамғармалари (кўпчилик Лотин Америкаси мамлакатларида) ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбекистонда лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириладиган маблағлар ҳар бир туман ва шаҳарлар даражасида шакллантириладиган Фуқаролар тушаббуси жамғармасида йиғилади. Жамғарма 1 июлдан маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбаларидан 30% дан кам бўлмаган, ҳамда тасдиқланган харажатларнинг 5 % миқдорда шакллантирилади. Жамғарма маблағларидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш тақиқланган.

Мексикада ташаббусли бюджетлаштириш учун маблағларни жалб қилиш бўйича ўзига хос тажриба мавжуд. 2014 йилда бу мамлакат ҳукумати барча фойдали қазилма кон эгалари учун қўлланиладиган роялти солиғини жорий қилди. Даромадлар тоғ-кон корхоналари жойлашган штатлари ва муниципалитетларнинг Барқарор минтақавий ривожланиш махсус жамғармасига («Ер қаъри жамғармаси» деб аталади) ўтказилди, у кончилик зонасидаги шаҳарлар ва қишлоқлар жамоалари ўртасида тақсимланди. Олинган маблағлар давлат инвестиция дастурлари орқали уларнинг иқтисодий ривожланиши ва уларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг яшаш шароити сифатини яхшилашга йўналтирилди. Ер қаъри жамғармасининг асосий мақсади тоғ-кон саноати корхоналаридан тушадиган солиқ тушумларини аҳоли,

атроф-муҳит ва тоғ-кон саноати ҳудудларида барқарор ривожланишга ижобий таъсир кўрсатувчи ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш орқали ҳудуддаги муниципалитетлар фойдасига қайта тақсимлашдан иборат. Жамғарма тўғрисидаги низомда дастлаб давлат томонидан молиялаштирилиши керак бўлган инвестиция лойиҳаларини танлашда фуқароларнинг фикрини ҳисобга олиш механизми назарда тутилмаган эди. Сонора штатининг Кананеа муниципалитетида қуйидагиларга қаратилган:

(а) қазиб олувчи минтақалар муниципалитетларига ажратилган маблағлардан фойдаланиш шаффофлигини ошириш;

(б) Жамғарма томонидан амалга ошириладиган давлат инвестицияларини танлаш бўйича фуқароларни қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб қилиш мақсадида, биргаликда бюджетлаштиришнинг экспериментал амалиёти йўлга қўйилди [4].

Шундай қилиб, ташаббусли бюджетлаштириш фуқароларни солиқ тўлашга рағбатлантириш, тўланган солиқларнинг қайси қисмига йўналтирилганлигини лойиҳаларни аниқлашда уларнинг иштироки орқали маҳаллий бюджет даромадларини ошириш учун салмоқли салоҳиятга эга, дейишга асос бор.

Хорижда тегишли солиқларни ихтиёрий тўлаш ёки тўламаслик йўли билан бюджет даромадларини шакллантиришда ихтиёрий иштирок этиш кам учрайдиган амалиётдир. Аксарият ҳолларда солиққа тортиш тизимлари шундай тузилганки, улар ихтиёрийлик ва мослашувчанликка ўрин қолдирмайди, бу жараён ҳамма учун универсал бўлиб ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун санкцияларни назарда тутати. Бироқ, баъзи ҳолларда, «солиқ тўловчи демократияси» ҳолатлари мавжуд. Шу муносабат билан хорижий тажрибадан фуқароларга бюджет даромадларининг муайян сегментини қандай шакллантиришни мустақил белгилаш имкониятини берадиган турли солиқ механизмларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Японияда 2008 йилдан бери маҳаллий солиқларни бошқа муниципалитетларнинг бюджетларига тўлаш амалиёти мавжуд: Furusato Tax [11] дастури амалга оширилмоқда, бу эса аҳолига солиқ тўловларининг бир қисми қаерга кетишини ўзлари ҳал қилиш имконини беради. Дастурнинг мақсади солиқ тўловчиларга ўзлари танлаган муниципалитетларни қўллаб-қувватлаш, камтарона бюджетга эга бўлган кичик муниципалитетларни ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат. Ўз туғилган жойларини тарк этган фуқаролар шу орқали «туғилган шаҳар солиғи» (Furusato nozei) тўлаш орқали ўзлари тўлаган солиқларнинг бир қисмини Япониянинг бошқа ҳудудига ўтказишлари мумкин. Хайриялар шахсий даромад солиғи ва бошқа маҳаллий солиқлардан чегириб ташланади [12]. Солиқ солинадиган даромад миқдорига қараб хайрия миқдорининг юқори чегараси мавжуд. Бунинг эвазига маҳаллий аҳоли солиқ толовлари учун бошқа ҳудудлардаги солиқ тўловчиларга махсус каталогдан совғалар юборади [13]. Ихтиёрий хайрияларни тўлашнинг яна бир муҳим рағбати солиқ имтиёзларини олиш имкониятидир.

Дастлабки 2000 иена бундан мустасно, хайр-эҳсонлар қиймати даромад солиғи ва яшаш жойи бўйича солиқ мажбуриятларидан чегириб ташланади. Суистеъмолликка йўл қўймаслик учун кишиларнинг даромадига қараб бундай хайр-эҳсонларнинг юқори чегаралари мавжуд. Солиқ чегирмаларининг максимал миқдори ўтган йил учун тўланган даромад ва мол-мулк солиғи билан белгиланади. Тўловни амалга

оширгандан сўнг, шахс чекни сақлаб қўйиши ва кейин солиқ декларациясини тўлдиришда фойдаланиши керак.

Маблағларни алоҳида муниципалитетларга йўналтиришдан ташқари, солиқ тўловчи ўзи қўллаб-қувватламоқчи бўлган ривожланиш дастурларини ҳам танлаши мумкин, масалан, экология, маҳаллий туризмни ривожлантириш, болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва бошқалар.

Хориж адабиётида ушбу ҳодисани тавсифлаш ва ўрганиш учун “солиқ ахлоқи” тушунчаси қўлланилади [13]. Бу тушунча “солиқ интизоми” деб аталади, бундай таржима аниқ эмас ва муҳим маъно йўқотади. Чунки “интизом” - бу жамоанинг барча аъзоларининг белгиланган тартиб, қоидаларга мажбурий бўйсунуши. “Ахлоқ” - одоб-ахлоқ қоидалари. Солиқ ахлоқи, солиқ интизомидан фарқли ўлароқ, фуқаролар томонидан давлат органларининг ҳаракатларига баҳо бериш билан мустаҳкам боғланган. Агар давлат бошқаруви фаолияти шаффоф, ҳисобдор, демократик деб баҳоланса, фуқаролар ўз навбатида ўз маънавий мажбуриятларини зиммасига олишга тайёр бўлади.

Солиқ органлари учун энг кенг тарқалган стратегиялар одатда солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун жарималарни ошириш, қонунларга риоя қилишни рағбатлантириш учун маъмурий чораларни жорий этишни ўз ичига олади. Бироқ, бундай чораларни амалга ошириш жуда қимматга тушади ва шунинг учун самарасиз бўлиши мумкин. Коррупция даражаси юқори бўлган мамлакатларда кўплаб фуқаролар ва фирмалар кўпинча солиққа шубҳа билан қарайдилар ва буни шахсий даромадларнинг бир қисмини адолатсиз олиб қўйиш воситаси сифатида кўрадилар. Бу ҳолат аянчли ёпиқ доирага олиб келиши мумкин: аҳолининг катта қатламлари тегишли давлат хизматларидан фойдалана олмайдилар ва давлат органларини жавобгарликка тортиш имкониятидан маҳрумдирлар. Агар давлат зарур давлат хизматларини кўрсата олмаса, унинг қонунийлиги сўроқ остида қолади ва фуқаролар атайлаб солиқ тўлашдан бўйин товлаш йўлига ўтадилар. Бундай вазиятда ҳукуматлар зарур солиқ тушумларини йиға олмайди ва давлат хизматларини кўрсатишни яхшилаш олмайди, бу эса ҳукуматлар ишида умидсизликнинг янги босқичига олиб келади. Оқибатда ишончсизлик кучаяди, солиқ тўловлари пасайиб боради ва давлат хизматлари кўрсатиш сифати пастлигича қолади. Шундай қилиб, фуқароларнинг қарорлар қабул қилишда иштирок этиши, солиқ тўлаш мотивациясини яратиш, фискал шаффофликни ошириш дастурларини жорий этиш мамлакат давлат молиясини тизимли ўзгартириш учун восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фуқароларнинг солиқдан манфаатдорлик ҳиссини ошириш нуқтаи назаридан, фақат маҳаллий солиқларни тўлашдан олинадиган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган партисипатор бюджетлаштириш тажрибаси диққатга сазовордир. Бундай ёндашув, масалан, Италияда 2008 йилгача амалга оширилган. 2008 йилда уй-жойга биринчи марта эгалик қилиш муниципал солиқ бекор қилинди, бу маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий автономиясига путур этказди, чунки баъзи шаҳарларда ушбу солиқлар маҳаллий бюджетнинг 30 фоизигача ташкил этарди. Ушбу солиқ бекор қилингандан сўнг, мамлакатда партисипатор бюджетлаштиришнинг кўплаб амалиётлари бекор қилинди [14]. Фуқароларнинг бюджет қарорларини қабул қилишда иштироки маҳаллий даражада амалга ошириладиган бошқа мамлакатларда

хам маблағлар одатда маҳаллий солиқ тушумлари ҳисобидан маҳаллий бюджетлардан ажратилади.

Хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонда партисипатор бюджетлаштириш амалиётини ривожлантиришнинг янги босқичи, биринчидан мавжуд методологияларини такомиллаштириш, иккинчидан ушбу жараёнда ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Фуқаролар ва ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг турли даражаларида иштирок этиш жараёнларини осонлаштириш ва чуқурлаштириш нуқтаи назаридан жараёнда электрон иштирок этиш технологиялари катта имкониятга эга.

Мамлакатимизда ташаббусли бюджетни жорий этишда рақамли иқтисодиёт элементларидан фойдаланиш айти муддао бўлади. Бироқ, сўнги вақтларда ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар томонидан айрим маҳаллий ҳокимият вакиллариининг давлат бюджети ҳисобидан қилаётган харажатлари, қабул қилаётган қарорлари кескин эътирозларга, кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётган эди. Баъзи ҳолатларда республикамизнинг айрим ҳудудларида давлат бюджети маблағларини энг муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун эмас, балки маҳаллий ҳокимият органларининг айрим мансабдор шахслари қарорлари асосида ўзлари танлаган лойиҳаларга йўналтирилаётган ҳолатлар учраб турибди. Бу эса аҳолида ҳақли эътирозларни келтириб чиқаришга сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида давлат бюджети соҳасини ислоҳ этиш жараёнида янги тизим жорий этила бошланди. Бу тизим «Очиқ бюджет» портали деб юритилади бошланди. Энди бу портал имкониятларига қисқача тўхталиб ўтсак.

Умуман олганда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси маҳаллий бюджет маблағларини аҳолини қийнаб келаётган муаммоларга, фуқароларнинг бюджет жараёни иштирокини таъминлашга ва аҳолининг ўзи истаган тадбирни амалга оширишга қаратилган жараён ҳисобланиб, бу жараён [openbudget.uz](http://openbudget.uz) портали орқали амалга оширилиши ва йилига 2 марта ўтказилиши белгилаб берилди.

Таҳлилларга эътибор берадиган бўлсак, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2022 йилдаги биринчи босқичида 6,7 миллионга яқин юртдошларимиз қатнашди. Улар томонидан ташаббусли бюджет бўйича 40,2 мингга яқин лойиҳаларга овоз берилиб, ундан 2215 та лойиҳа учун 1,1 трлн. сўм молиялаштиришга тавсия этилди.

Аҳолининг фаоллиги ҳамда ҳудудларда ечимини кутаётган ижтимоий муаммоларнинг кўплиги нуқтаи назаридан Давлат раҳбарининг шахсан кўрсатмасига кўра ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 139 та лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча равишда 85,4 миллиард сўм маблағ ажратилди[15].

2022 йилдаги биринчи 18 мартдан 7 апрелгача давом этган босқичида 33680 та лойиҳа илгари сурилган, улар учун жами 16 миллион овоз тўпланган. Расман 1666 та лойиҳа ғолиб деб топилди, уларга 1,57 триллион сўм ажратишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Молия ва иқтисодиёт вазирлиги хабар қилишича, Президент Шавкат Мирзиёев мавсумда қатнашган, 2000 дан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган 1309 лойиҳа ижросига давлат бюджетидан қўшимча 1,3 триллион сўм ажратишга фармон берган.

Вазирлик хабар қилишича, ҳар бири 1500 дан ортиқ овоз тўплаган маориф, тиббиёт ва спортга бағишланган лойиҳалар таҳлил қилиб чиқилади, уларнинг ижроси 2024 йил бюджетига киритилади. Жами 164 мактаб, 30 болалар боғчаси, 32 тиббиёт муассасасини таъмирлаш, таъминлаш ва бошқа мақсадларига қўшимча 304 миллиард сўм ажратиладиган бўлди.

2023 йилдан Ўзбекистонда вилоят бюджети қўшимча даромадларининг 30 фоизчасини фуқароларнинг ўзлари сарфлашларига изн берилди.

Биринчи мавсумда ёлиб деб топилиб маблағ ажратиладиган лойиҳаларни йилнинг июль ва август ойларигача якунига етказиш топшириғи берилган [17].

Маълумки, жаҳон мамлакатлари тажрибасида бу каби жараёнларга ахборот технологиялардан фойдаланиш кенг кўламли аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боисдан, маҳаллий бюджетларнинг ҳудудлар кесимида ягона портални ишлашни такомиллаштириш лозим. Олиб борган тадқиқотларимиз асосида “очиқ бюджет” порталида қуйидаги элементларни жорий этиш орқали ташаббусли бюджет тизимини янада такомиллаштириш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

- сайланган делагатлар ва маҳаллий ҳоқимият мутахассис вакиллари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг аннотацияси (лойиҳаларнинг молиялаштириш ҳажми ва уни амалга ошириш муддати, натижавийлиги кабилар);

- лойиҳани танлаш учун минимал овоз беришлар миқдорининг белгиланиши;

- фуқаролар ўзлари истиқомат қиладиган ҳудудга тегишли лойиҳаларни осон топиб олишлари учун улар шахсий кабинетларни паспорт маълумотлари асосида автоматик шакллантириш;

- умумреспублика миқёсида лойиҳалар учун овоз бериш муддатларини бир хиллаштириш орқали жараённи оммавий эълон қилишга имконият яратиш (бунда ТВ ва бошқа ахборот манбалари орқали реклама қилиш).

Ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг бу имкониятлари бошқа омилларни инкор этмайди. Масалан, электрон овоз бериш орқали жамоатчилик қарорларини жамоавий қабул қилиш учун ишлаб чиқилган технологиялар фуқароларнинг хоҳиш-истакларини шакллантириш ва уларни муҳокама қилиш учун мулоқот платформаларининг функционалигини, шунингдек, низоларни ҳал қилиш бўйича маслаҳат технологияларини ўз ичига олиши мумкин.

Хорижий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фуқаролар иштирокида лойиҳаларни мунтазам амалга ошираётган муниципалитетлар ҳудудида солиқ интизоми ошиб, маҳаллий солиқ ва йиғимлар тушуми ортиб бормоқда. Шу билан бирга, ташаббусли бюджетлаштириш методологиясини қўллашда маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ва тўлаш механизмида институционал чекловлар мавжудлигини ҳисобга олиш керак. Буларга қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган маҳаллий давлат ҳоқимияти органларининг солиқ ваколатларини чегаралаш, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексида белгиланган бюджет тизимининг даражалари ўртасида солиқ тушумларини чегаралаш, шунингдек ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашда солиқ органларининг иштирок этишнинг паст даражаси.

Ўзбекистон Республикаси бюджетга солиқ тўловларини сон ва миқдор жиҳатдан ташкил этувчи йирик солиқ тўловчи ташкилотлар томонидан тўланади. Булар ҚҚС, юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи, фойдали қазилмаларни қазиб олиш

солиғи ва бошқа шу каби солиқлардир. Фуқаролар бу солиқларга ўзларининг дахлдорлигини сезмайдилар. Даромад солиғи, Пенсия жамғармасига ва ходимнинг иш ҳақи билан боғлиқ бошқа баъзи бир бадаллар кўпинча фуқароларнинг эътиборини тортади. Албатта, аҳолини биринчи навбатда асосий солиқлар: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, транспорт солиғи, жисмоний шахсларнинг мол-мулки солиғи ва ер солиғи қизиқтиради. Транспорт солиғи ҳудудий бюджетларни шакллантириш манбаи эканлигини ҳисобга олиб, биз маҳаллий муаммоларни ҳал қилишда асосий бўлган юқорида қайд этилган жисмоний шахслардан олинадиган бошқа солиқлар гурӯҳига тўхталиб ўтамиз. Ҳудудларнинг молиявий фаровонлиги ва уларда ҳудудда замонавий инфратузилмани яратиш имконияти ушбу солиқларни йиғиш даражасининг ошиши ва тушумларнинг кўпайишига боғлиқ.

Ташаббусли бюджетлаштириш методологияси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларни маҳаллий бюджет даромадларини оширишга ундашнинг қўйидаги усулларини ҳам яратишга имкон беради:

1. Маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини кўриниш ва тақдим этиш қулайлигини ошириш. Муайян маҳаллий бюджетнинг харажатлар тизимида ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳасининг (тумани бюджети, шаҳар бюджети, шаҳар типдаги посёлка бюджети, қишлоқ аҳоли пункти бюджети, вилоят бюджети, шаҳарларга бўлиниш мавжуд шаҳарлар бюджети, тўғридан-тўғри вилоят ва Республика бўйсинувига эга шаҳарлар бюджети, тошкент шаҳар бюджети) ва бюджет даромадлари манбалари аниқ тақдимотини шакллантириш. Бизнинг фикримизча, ташаббусли бюджетлаштириш доирасида пул маблағларини сарфлаш йўналишлари ва уларни шакллантириш манбалари контекстида бюджет маълумотларини батафсилроқ тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Амалга оширилаётган “Фуқаролар бюджети” лойиҳасида эришилган ютуқларга қарамай, одатда ахборотни тақдим этиш усули кўпинча иқтисодий билимларни талаб қилади. Фуқароларнинг аксарияти бюджет таснифи кодлари, бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбалари, маҳаллий дастурлар контекстида режалаштирилган ва бажарилган харажатлар тўғрисидаги маълумотларга унчалик эътибор бермайдилар.

2. Иқтисодий фаолияти жисмоний шахслар ва ташкилотларга ходимларни жалб қилмасдан, қопланадиган асосда хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган фуқароларни солиқ ҳуқуқий соҳасига жалб этишнинг самарали воситаси мобил илова орқали касбий даромадларни солиққа тортиш механизми ҳисобланади. Рақамли технологиялар солиқ тўловларини осонлаштиришнинг самарали воситаси бўлса-да, фуқароларнинг даромадларини қонунийлаштиришда солиқ қонунчилигига риоя қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Солиқ тўламайдиган ўз-ўзини иш билан банд қилган фуқароларни аниқлаш имкониятлари Республика субъектига қараганда маълум бир ҳудуд (шаҳар, туман, маҳалла) миқёсида сезиларли даражада юқори. Шу муносабат билан, ўз-ўзин банд қилувчилардан олинадиган даромад солиғининг бир қисмини маҳаллий бюджетлар даражасига ўтказиш ва шу билан бирга солиқ тўловчиларга тўланиши керак бўлган ушбу суммаларнинг бир қисмини ихтиёрий равишда қайта йўналтириш ҳуқуқини бериш, деб ҳисоблаймиз. Бу ҳолат потенциал солиқ тўловчиларни аниқлашда маҳаллий ҳокимият органларини ташаббусли бюджетлаштиришнинг аниқ лойиҳасини амалга ошириш учун маҳаллий бюджетининг манфаатдорлигини оширади.

3. Бошқа ҳудудларнинг бюджетларига маҳаллий солиқларни тўлаш бўйича юқорида келтирилган Япония тажрибасининг ривожланиши сифатида ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳасини амалга ошириш учун ажратилган суммаларни, биринчи навбатда, тўланиши керак бўлган солиқлар билан ҳисоб-китоб қилишнинг рағбатлантириш механизмини жорий этишни таклиф қилиш мумкин. Бунда аввало мулк солиғи ва ер солиғига урғу бермоқ зарур. Бу, шунингдек, давлат томонидан қўшимча харажатларсиз ташаббусли бюджетлаштириш доирасида маблағларнинг сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиради. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ, солиқ тўловчининг илтимосига биноан тўланган солиқнинг бир қисмини бир маҳаллий бюджетдан бошқасига ўтказишга йўл қўйилмайди. Ушбу ҳолат жисмоний шахснинг яшаш жойи ёки унинг фаолиятини амалга ошириш ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳаси амалга оширилаётган ҳудуднинг чегараларига тўғри келмаслигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу жараённи ривожлантиришга тўсқинлик қилади. Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи иш жойида, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғи - мол-мулк жойлашган жойда тўланади. Шу муносабат билан бюджет ва солиқ қонунчилигига солиқ тўловчиларнинг солиқ тўловларини тегишли лойиҳага йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилиш соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш нуқтаи назаридан ўзгартиришлар киритилиши ташаббуслили бюджетлаштиришни ривожлантиришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз. Маҳаллий бюджетлар мувозанатининг бузилишига йўл қўймаслик учун солиқ тўловчининг иш ҳақининг энг юқори миқдорини ва солиқ тўловчига ўз қарори тўғрисида хабардор этиш муддатини белгилаш орқали ушбу ҳуқуқни чеклаш мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролик иштирокининг барча мумкин бўлган тартиб-қоидалари орасидан ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳаларини танлаш ва муҳокама қилишнинг энг мақбул амалга оширилишини таъминлайдиганларини танлаш керак. Афсуски, Ўзбекистонда ва хорижда солиқ соҳасига нисбатан жамоатчилик иштирокининг тайёр ва синовдан ўтган механизми мавжуд эмас.

Ташаббусли бюджетлаштиришни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқишга таклиф этилаётган ёндашув, ҳозирги вақтда қўлланилаётган механизмлардан бир мунча фарқ қилади. Бунга сабаб у маҳаллий, масъул маҳаллий ижроия ҳокимияти ва Республика Солиқ қўмитаси ҳудудий идоралари даражасида бир қатор мажбурий ҳаракатларни амалга оширишни назарда тутди. Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётининг инновацион хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, бундай тартиб фуқароларнинг иштирок этиш тартиб-қоидаларида батафсилроқ маълумот беришни, амалиётни амалга оширишнинг барча босқичларида кўпроқ ахборот ва тарғибот ёрдамлари таъминлаши керак. Амалиётни синовдан ўтказишнинг экспериментал табиати, бошқалар қаторида, тадқиқот қисмини ҳам ўз ичига олиши керак.

Ўзбекистон ҳудудларида экспериментни қўллашнинг мумкин бўлган қуйидаги стратегиялари бўлиши мумкин. «Ёки-ёки» стратегияси мавжуд ҳудудий ташаббусли молиялаштириш моделига интеграцияни ўз ичига олади. Бунда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролар билан биргаликда ташаббусли молиялаштиришнинг қайси шаклида иштирок этишларини ихтиёрий равишда ҳал қиладилар. У анъанавий ёки солиқларни лойиҳаларга йўналтиришни биргаликда молиялаштиришни ўз ичига олган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

«Иккаласи ҳам» стратегияси ташаббусли бюджетлаштиришнинг анъанавий шаклида ҳам, параллел равишда солиқ тажрибасида ҳам иштирок этиш имкониятини ўз ичига олади. Худуддаги ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини мустақил равишда амалга ошираш ва параллел равишда минтақавий даражадаги солиқ тажрибасида иштирок этишга қарор қилиш вазияти алоҳида ҳолат бўлиши мумкин.

«Пилот ҳудуд» стратегияси фақат ташаббусли бюджетлаштиришнинг экспериментал шаклида иштирок этиш имкониятига эга бўлган ҳудуд ёки алоҳида маъмурий бирлигини ўз ичига олади. Бундай стратегиянинг афзаллиги маълумот, таълим ва маслаҳат имкониятларини ягона жойда эканлигидир.

«Паралел эксперимент» стратегияси ташаббусли бюджетлаштиришда муваффақиятли иштирок этиш тажрибасига эга бўлган, ғалабасиз иштирок этиш тажрибасига эга бўлган, шунингдек, илгари бундай имкониятга эга бўлмаган ҳудудларнинг солиқ тажрибасида иштирок этиш имкониятини назарда тутди. Ушбу вариант тадқиқот мақсадларига бошқаларга қараганда кўпроқ жавоб беради, чунки у турли ҳудудларнинг экспериментал ташаббусли бюджетлаштириш моделида иштирок этиш тажрибасини таққослаш имконини беради.

### **Хулоса ва таклифлар**

1. Солиқ тўловчиларнинг қарорларни қўллаб-қувватлашда иштирок этиш далили ташаббусли бюджетлаштириш воситаларидан фойдаланиш аҳолини солиқ тўлашдан манфаатдор бўлиш имконини беради.

2. Илмий тадқиқотлар натижалари фуқароларнинг ташаббусли бюджетлаштириш амалиётида иштирок этиши давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар сифатига ижобий таъсир кўрсатишини кўрсатмоқда. Тадқиқотчилар томонидан ташаббусли бюджетлаштириш бўйича олиб борган илмий ишларининг қайд этилган барча ижобий таъсиридан, жумладан, кам даромадли ҳудудларга давлат инвестицияларини кўпайтириш [16], фуқаролик жамиятини фаоллаштириш [17], сайловчилар фаоллигини ошириш [18], аҳоли фаровонлиги ва саломатлигини яхшилаш [19], солиқ йиғимини кўпайиши алоҳида аҳамиятга эга, чунки айнан шу жараён жами бюджетнинг ўсишига олиб келади. Натижада бу йиғимлар давлат ва алоҳида ҳудудлар эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилади.

3. Ташаббусли бюджетлаштириш методологияси фуқаролар томонидан ғояларни тақдим этиш, уларни муҳокама қилиш, лойиҳаларни танлаш, амалга оширишнинг мунтазамлиги, ҳокимият органлари томонидан омма олдида ҳисобот беришни амалга оширишни назарда тутди.

4. Хорижда аҳолининг тегишли солиқларни ихтиёрий тўлаш ёки тўламаслик йўли билан бюджет даромадларини шакллантиришда ихтиёрий иштирок этиши амалиёти кенг тарқалмаганлигига қарамай, солиқ тўловчиларнинг ташаббусли бюджетлаштириш амалиётига таъсир этишининг муайян механизмлари мавжуд ва улар ўзларининг самарадорлигини кўрсатдилар.

5. Ташаббусли бюджетлаштириш методологияси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларни маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳажмини оширишга ундаш усулларини яратиш имконини беради. Ўзбекистон Республикасида ушбу методологияни бюджетларнинг кўргазмалилигини ошириш, ўз-ўзини иш билан банд аҳолининг солиққа тортишдан келадиган даромадларининг бир қисмини ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳаларига жалб қилиш ва бу бўйича харажатларни тўланган

солиқлар ҳисобига қоплаш механизмини жорий этиш йўналишида ривожлантириш тавсия этилади.

6. Ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун маҳаллий бюджетларга ҳисобланган солиқларни тақсимлашда солиқ тўловчиларнинг иштирокини амалга ошириш тартиби солиқ органлари, маҳаллий ижория органларнинг ҳаракатлари тартибини, маҳаллий ҳудудларда ташаббусли бюджетлаштириш амалга ошириш тартиби каби таркибий қисмларни ўз ичига олиши керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. <https://lex.uz/acts/2304138>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли қарори.// <https://lex.uz/ru/docs/3879197?otherlang=1>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарори. <https://lex.uz/ru/docs/3879197?otherlang=1>
4. Cabannes Y. Participatory budgeting: A significant contribution to participatory democracy. Environment and Urbanization. 2004;16(1):27-46. DOI: 10.1177/095624780401600104
5. Pommerehne W.W., Weck-Hannemann H. Tax rates, tax administration and income tax evasion in Switzerland. Public Choice. 1996;88(1-2):161-170. DOI: 10.1007/BF00130416
6. Schneider A., Baquero M. Get what you want, give what you can: Embedded public finance in Porto Alegre. IDS Working Paper. 2006;(266). URL: <https://opendocs.ids.ac.uk/opendocs/bitstream/handle/20.500.12413/4058/Wp266.pdf?sequence=1&isAllowed=y>
7. Zamboni Y. Participatory budgeting and local governance: An evidence-based evaluation of participatory budgeting experiences in Brazil., University of Bristol. Working Paper. 2007. URL: <https://pria-academy.org/pdf/3-Zamboni.pdf>
8. Torgler B., Schneider F. The impact of tax morale and institutional quality on the shadow economy. Journal of Economic Psychology. 2009;30(2):228-245. DOI: 10.1016/j.joep.2008.08.004
9. Primova N. Trends in the Development of the Local Budget and the importance of Financial Strategy in Our Country. EJBMR, European Journal of Business and Management Research. Vol. 5, No. 5, October 2020. <https://www.ejbmr.org/index.php/ejbmr/article/view/557/331>
10. Примова Н. Ташаббусли бюджет – маҳаллий бюджет харажатларини режалаштириш стратегияси сифатида. «Фуқароларнинг бюджет жараёнидаги иштироки: тажриба алмашиш ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида халқаро форум материаллари тўплами // и.ф.д., проф. Д.Х.Пулатов ва Махкамова Ш.Ю. таҳрири остида. – Тошкент, 2022. – 201 б.

<https://budget4me.ru/upload/medialibrary/cbe/cbe64df015c2758083148997a71350d6.pdf>

11. Furusato Tax. URL: [www.furusato-tax.jp](http://www.furusato-tax.jp) (дата обращения: 20.11.2020).
12. Japan’s rural tax scheme led to a small town bun fight. Can it be fixed? Apolitical. 14.12.2018. URL: <https://apolitical.co/en/solution/article/japan-hometown-tax> (дата обращения: 20.11.2020).
13. Gifts for Furusato Nozei. URL: [https://en.furumaru.jp/info/whats\\_tax.php](https://en.furumaru.jp/info/whats_tax.php) (дата обращения: 20.11.2020).
14. Allegretti G., Stortone S. Participatory budgets in Italy: Reconfiguring a collapsed panorama. In: Hope for democracy: 25 Years of participatory budgeting worldwide. São Brás De Alportel: In Loco Association; 2014:313-323.
15. <https://openbudget.uz/news/zhorij-jilning-birinchi-mavsum-oliblari-anilandi>
16. Пинская М.Р., Вагин В.В., Логинова Т.А., Прокаев М.В. Увеличение налоговых доходов местных бюджетов с помощью инициативного бюджетирования. Белорусский экономический журнал. 2020;(4):117-127. DOI: 10.46782/1818-4510-2020-4-117-127
17. Shybalkina I., Bifulco R. Does participatory budgeting change the share of public funding to low income neighborhoods? Public Budgeting & Finance. 2019;39(1):45-66. DOI: 10.1111/pbaf.12212
18. Baiocchi G. Militants and citizens: The politics of participatory democracy in Porto Alegre. Redwood City, CA: Stanford University Press; 2005. 248 p.
19. Touchton M., Wampler B. Improving social well-being through new democratic institutions. Comparative Political Studies. 2014;47(10):1442-1469. DOI: 10.1177/0010414013512601